▼ 8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

# ФУҚАРОЛИК ИНСТИТУТЛАРИ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

**Мамлакатимизда жамоат бирлашмалари, жамғармалар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари Конституция ҳимоясида бўлиб, уларга Бош қомусимизнинг алоҳида 13-боби бағишланади. Бугунги кунда улар фуқаролик жамиятининг асосини ташкил қилиб, унинг мазмунини белгиламоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашмоқда. Давлатимиз томонидан яратилаётган қулай шарт-шароит, берилаётган имтиёз ва имкониятлар фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги фаол иштирокини таъминламоқда.**
**ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг жамоат, нодавлат нотижорат ва диний ташкилотлар бошқармаси бошлиғи Худоёр МЕЛИЕВ билан шулар ҳақида суҳбатлашди.**

– Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари тизими шакллангани фуқароларнинг демократик янгиланишлар ва модернизация жараёнларидаги иштирокини таъминлаш, жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини ўрнатиш, аҳоли қатламларининг кенг кўламли ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланди, – дейди Х.Мелиев. – Бу тизимнинг мамлакатнинг ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ долзарб масалалар, давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли тобора ортиб бормоқда. Бу, энг аввало, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда фуқаролик жамиятларининг демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришдаги ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган изчил ва босқичма-босқич демократик ислоҳотларнинг натижасидир.

Мустақилликка эришиш арафасида республикамизда атиги юзга яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари мавжуд бўлган бўлса, уларнинг сони бугунги кунда саккиз мингдан ошди. Уларнинг фаолияти атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни ҳимоялаш, спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бандликни таъминлаш ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ечишга кўмаклашишга қаратилган.

Замонавий демократик талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий база нодавлат нотижорат ташкилотлари жадал ривожланишининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилиб, у ўз ичига 200 дан зиёд қонунчилик ҳужжатларини олади. «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонунлар жамият ҳаётининг турли жабҳалари – иқтисодиёт, маданият, гуманитар, ижтимоий соҳаларда фаолият юритаётган ННТ эркин фаолиятининг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилаётир.

ННТларнинг мустақил иш юритиши, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, ташкилий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда 2007 йил 3 январда қабул қилинган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун муҳим аҳамият касб этиб, у ННТ ва бошқа фуқаролик институтларини иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг институцион базасини шакллантириш бўйича ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг ташкил қилиниши яна бир муҳим ҳодиса бўлди. У ҳар йили давлат бюджетини қабул қилиш жараёнида ажратиладиган ва унда алоҳида сатрда қайд этиладиган маблағлар ҳисобидан шаклланади. Жамоат фонди томонидан субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклида ўтган даврда 37,7 миллиард сўм ажратилган.

**– Фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини янада кучайтиришга оид қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?**

– Мамлакатимизда фуқаролик институтларини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишлари давом этмоқда. Бу жараёнда Адлия вазирлиги ҳам фаол иштирок этмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ва 2010 йил ноябрда парламент томонидан қўллаб-қувватланган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ушбу йўналишдаги ишларни фаоллаштиришга туртки бериб, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти кўлами, уларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги ваколатларини кенгайтиришда янги босқични бошлаб берди.

Хусусан, Концепцияни амалга ошириш доирасида янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун маҳаллани аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, жойларда ижтимоий дастурларни амалга оширишда унинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизимида маҳалланинг вазифаларини янада кенгайтиришга йўналтирилган.

Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижалари бўйича «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур ҳужжат экологик назоратни, мамлакатимиз ҳудудларида атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга доир вазият мониторингини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти бошқа институтлари иштирокини янада фаоллаштиришга кўмаклашади.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик институтларининг позициясини мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди. Мазкур қонун аҳоли, нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар ва, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқи, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тегишли қарорлар ҳақидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлайди.

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини ҳуқуқий такомиллаштиришнинг мантиқий давоми бўлди.

Таъкидлаш жоизки, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун қабул қилинишидан аввал миллий қонунчилик давлат органлари ва ННТлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни амалга оширишнинг умумий асосларини назарда тутувчи 30 дан ортиқ қонун ва 100 дан ортиқ бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олар эди. «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида», «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларда ижтимоий шериклик асосида давлат органлари ҳамда ННТлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни қуришни назарда тутувчи қоидалар мавжуд, бироқ бу шерикликни ташкил қилиш ва амалга оширишга доир меъёрлар мурожаат қилиш характерига эга.

Ҳокимият ва ННТнинг ўзаро алоқа шакллари, тамойиллари, механизмлари, шунингдек, икки томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи ягона кодификация қилинган қонунчилик ҳужжатининг қабул қилиниши фуқаролик институтлари, ННТнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги самарали ва фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Қонунда ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари ва уни амалга ошириш тартиби, ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, мазкур муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига кенг ўрин берилган. Унда ижтимоий шерикликнинг асосий соҳалари сифатида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва фаоллигини ошириш, бандликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғини сақлаш, баркамол авлодни шакллантириш, оналик ва болаликни, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва бошқа масалалар назарда тутилган.

Фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини рўёбга чиқаришда, гуманитар муаммоларни ҳал этишда, аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари ҳам мустаҳкамланди.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжат давлат ва жамиятнинг куч ва имкониятларини бирлаштирган ҳолда йўналтирадиган механизмларни яратади. Қонун мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фуқаролик институтларини шакллантиришнинг ҳозирги босқичида юртимиз салоҳиятини ислоҳотларни амалга оширишга йўналтиришга шароит яратади. Зеро, барча саъй-ҳаракатларни сафарбар этиш орқалигина асосий мақсадимиз – халқимиз учун муносиб ҳаёт шароитлари яратиш ва жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнимизни эгаллашга эришиш мумкин.



*Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.*
*Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.*
*(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 58-модда)*

**– Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 12 декабрдаги “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг ижроси бўйича қандай ишлар амалга оширилди?**

– Нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллигини янада ошириб бориш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш бўйича ислоҳотларни амалга оширишдаги роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган ушбу муҳим қарорнинг қабул қилиниши халқимиз томонидан қўллаб-қувватланди.

Қарорга мувофиқ, 2014 йилнинг 1 январидан нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган давлат божи миқдори 5 баравар, уларнинг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимлар миқдори 2,5 баравар камайтирилди.

Эндиликда Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида бўлинмалари (ваколатхоналари ва филиаллари)ни, шу жумладан, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлганларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун давлат божи ундирилмайди. Ногиронлар, фахрийлар, хотин-қизлар ва болалар жамоат бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи мазкур қарор билан тасдиқланган давлат божи миқдорининг 50 фоизи миқдорида ундирилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги мурожаатлари адлия органлари томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилганидек икки ой муддат ўрнига бир ой муддатда кўриб чиқилиши белгиланди. Шунингдек, қонунчиликдаги юридик шахслар олти ой мобайнида банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда уларни тугатиш учун асос бўлишини назарда тутувчи қоида нодавлат нотижорат ташкилотларига жорий этилмайди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш, нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ташкиллаштириш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ҳамда тартиботларни янада такомиллаштириш ва соддалаштириш мақсадида 2014 йил 10 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Қарор билан Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги, Нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги ҳамда Нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек, уларнинг қарамоғидаги оила аъзоларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомлар тасдиқланди.

Қарорга асосан ННТларни рўйхатга олиш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар рўйхати ҳам қисқартирилиб, барча ҳужжатлар давлат тилида тақдим қилиниши белгилаб берилди, муҳими, нодавлат нотижорат ташкилотларининг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби соддалаштирилди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари алоҳида бўлинмаларини ҳисобга қўйиш тартиби белгилаб берилди.

Айтиш жоизки, номи зикр этилган Президент қарори билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда халқаро шартномаларида мустаҳкамланган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан самарали назоратни таъминлаш чораларини кўриш вазифаси юкланди.

Айни пайтда ушбу вазифалар ижроси изчиллик билан бажарилмоқда. Бу жараёнда Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва бошқа ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилинмоқда. Жумладан, иш режасига асосан вазирлик томонидан давлат органлари фаолиятини ўрганиш ишлари амалга оширилиб, бу жараёнда улар томонидан нодавлат нотижорат органларининг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилишга асосий эътибор қаратилмоқда. Соҳа вакилларининг ҳуқуқий билим ва малакасини ошириш, уларнинг ўз ҳуқуқларини англаган ҳолда қонун доирасида фаолият юритиши учун кенг кўламли тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, фуқаролик жамиятининг ҳозирги ривожланиш даражаси, унинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини хорижий давлатлар билан қиёслаш миллий моделимизнинг ўзига хослиги, замон билан ҳамнафас ва барқарорлигини намоён этмоқда. Бунда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилгани ва уларнинг замон талабларидан келиб чиқиб янгилаб, бойитиб борилаётгани муҳим аҳамият касб этаётир. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари яратилаётган имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш – юртимиз истиқболи, ёруғ келажаги йўлида изчил фаолият юритмоқда.

**ЎзА мухбири**
**Норгул АБДУРАИМОВА**
**суҳбатлашди.**

---

Сирдарё Вилояти

*Шу кунларда омилкор деҳқонлар ҳосилдан бўшаган майдонларни қулай муддатларда шудгорлаб, келгуси йил ҳосилига мустаҳкам замин қўймоқдалар. Сирдарё вилоятида ҳам ушбу тадбирни пухта амалга ошириш учун ҳайдов отрядига бириктирилган 393 та ҳайдов тракторидан унумли фойдаланилмоқда.*

## КУЗГИ ШУДГОР... БОШҚАСИ БЕКОР

Шудгорлаш ишларида фаол қатнашаётган механизатор ва ишчиларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги иш суръатини ошириш билан бирга ҳайдов ишларининг сифатли ўтказилишини ҳам таъминламоқда.

– Шудгорнинг чуқурлиги ва бир текислигига эътибор қаратиш муҳимдир, – дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси деҳқончилик бўлими бошлиғи Султон Тожибоев. – Шудгорлаш ўз вақтида амалга оширилса, баҳорги ер тайёрлаш, экиш-тикиш ва вегетация даврида сарф-харажатларни кескин камайтириш имконини беради.

Ҳайдалган майдонлар мутахассислар томонидан назорат қилиниб, қабул қилиб олинаётганлиги иш самарадорлигини янада яхшилаш, сифатни оширишни таъмин этаётир.

**Б.БЕКМУРОДОВ**

---

▼ БАРҚАРОР ЭКОТИЗИМ САРИ

# ЎРМОН – ТАБИАТ ПОСАНГИСИ

## УНИ АСРАБ-АВАЙЛАШГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

**Ўсимлик ва дов-дарахтлар, ўрмонзорларнинг инсон саломатлиги учун нақадар муҳим эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Узоқ умр кўришнинг асосий манбаи – ҳар сонияда она табиатдан олаётган кислороднинг сифати билан ўлчанади. Тоза кислород манбаи эса атроф-муҳит ва яшил олам демакдир.**
**Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бўлим бошлиғи Ҳожимурод ТОЛИПОВ ана шулар хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди:**

— Ватанимизнинг кўркү тароватии мустақиллик саодати билан бутунлай гўзаллашди. Шаҳар ва қишлоқларимиз таниб бўлмас даражада обод бўлиб, оилаларнинг фаровонлиги ошмоқда. Юртимиз табиати ҳам барқарор ривожланишимизга мос равишда кўркамлашиб бормоқда.

Маълумотларга қараганда, юртимиз набобот дунёсида ҳозирги кунда 4,5 мингга яқин ёввойи ўсимлик, 2 мингдан зиёд замбуруғ турлари мавжуддир. Диёримизда ўрик, шафтоли, олма, нок, гилос, олча, беҳи, хурмо, ёнғоқ, бодом сингари мевали ҳамда тол, мажнунтол, шумтол, каштан, терак, қайрағоч, эман, туя дарахти сингари манзарали ва турли-туман игна баргли дарахтлар ҳам кўп.

Ушбу кўрсаткичларда мамлакатимизда ўсимлик турлари бой эканлиги ва йилдан-йилга кўпайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Бироқ ана шундай бебаҳо бойликка эҳтиётсизларча муносабатда бўлиш, ўсимлик дунёсини сақлаб қолишга лоқайд ёндашиш ва ундан ноақилона фойдаланиш, яъни ўт қўйиш, кесиб ўтин қилиш каби ҳолатлар баъзи ўсимлик ва дарахт турларининг камайишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда жаҳонга донғи кетган лола ва саллагуллар, етмак ҳамда бозулбанглар, умуман олганда, 138 турдаги ўсимликни алоҳида муҳофазага олишни тақозо этмоқда. Айниқса, тоғли ҳудудларда тоғ арчаси, грек ёнғоғи, заранг, текисликларда гужум, саксовул, тут каби дарахт турларини муҳофаза қилиш, парваришлашга алоҳида масъулият ва эътибор талаб қилинаётир.

Илмий асосланган маълумотларга кўра, дарахт атмосферадаги углерод қўшоксидинигина эмас, бошқа зарарли аралашмаларни ҳам ютади, чангни ўзида тутиб қолади. Ёзда бир гектар ўрмон бир кеча-кундузда 220-275 кг. карбонат ангидрид газини ўзлаштириб, 180-215 кг. кислородни ажратади. Бу миқдор 430-500 кишини 10 соат давомида кислород билан таъминлашга етади. Табиат шу қадар нозикки, катта шаҳарнинг кислород балансини сақлаб туриш учун бир кишига камида 25 кв.м яшил майдон бўлиши талаб этилади. Дарахт ва бута барглари, кўкатлар шаҳардаги чангнинг 72 фоизини ушлаб қолади. Тўғри танлаб ўтқазилган дарахт ва буталар шовқинни анча пасайтиради.

Баъзан одамлар орасида “Сув йўқ жойда дарахт ҳам бўлмайди”, деган сўзларни эшитиб қоласан киши. Олимларнинг таъкидлашича, дарахт йўқ жойда сув ҳам бўлмас экан. Игнабаргли ўсимликлар илдиз тизимида, яъни бир гектар майдондаги арчазор 6 минг куб литр сув тўплаши мумкин. Демак, ўсимлик ва манзарали дарахтлар нафақат атроф-муҳитни кислород, ҳатто булоқларни обиҳаёт билан ҳам таъминлар экан.

Шундай экан, инсоният ва табиат эгизак тушунча. Инсон ҳаётини яшил оламсиз тасаввур этиш қийин. Яшил дов-дарахтларнинг карбонат ангидрид газини ютиб, кислород ҳосил қилиб, фитонцид моддаларини ишлаб чиқариш ва ҳаво таркибини чанг, токсик моддалардан тозалашда ҳамда шовқинлардан ҳимоя қилишда аҳамияти катта. Агар яшил олам инсон танасидан, саноат корхоналари ва чиқиндилардан чиқадиган карбонат ангидрид ва бошқа заҳарли газларни ютиб, ҳаёт учун зарур бўлган кислородни етказиб бермас экан, бунинг оқибатини барчамиз яхши биламиз.

Бугунги кунда юртимиздаги ўрмон хўжаликлари томонидан ҳар йили ўсимлик ва манзарали дарахтларнинг уруғи ва кўчатидан экиб янги ўрмонзорлар барпо этилмоқда. Ўрмонни барпо этиш ишлари асосан қуриган Орол денгизи ҳудудида, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари ва бошқа ҳудудларда кенг кўламда олиб борилмоқда. БМТнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастурига кўра, ер юзи аҳолисининг 250 миллиондан ортиғи чўлланиш ва қурғоқчилик таъсиридан азият чекмоқда. Бу эса ердан фойдаланиш имкониятларини камайтириб, узоқ йиллар давомида шаклланган экотизимнинг бузилишига олиб келмоқда.

Мамлакатимизда чўлланиш ва қурғоқчилик жараёнлари сезиларли даражада кузатилмоқда. Натижада иқлим ўзгариши, йиллик ёғингарчилик миқдорининг камайиши, ёз ойларининг ҳаддан зиёд исиб кетиши ёки эрта совуқ тушиши каби омилларга сабаб бўлмоқда.

Жорий йилнинг 28-29 октябрь кунлари Оролбўйи минтақасидаги экологик аҳволни яхшилаш бўйича халқаро конференция ўтказилди. Унда иштирок этган кўплаб халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда соҳа мутахассислари аҳоли учун қулай экологик аҳволни яхшилаш, яъни сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ўрмонлар барпо этишни кўпайтириш борасидаги лойиҳаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш тўғрисида сўз юритишди.

Айни пайтда Оролбўйи ҳудудида саксовул ва бошқа чўл ўсимликлари ўсаётгани, саҳро жониворлари яшай бошлагани ўрмонлар барпо этишнинг қанчалик аҳамияти катта эканлигини яққол намоён этмоқда. Олимлар томонидан олиб борилган илмий изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, Орол денгизининг қуриган қисмида барпо этилган яшил қопламалар заҳарли тузлар ҳавога кўтарилишининг олдини олаётир.

Бундан ташқари, иҳота дарахтзорлари барпо этилган ҳудудларда ҳаво ҳарорати очиқ далалардагига нисбатан 3-3,5 даража паст бўлади, намлик эса 3-15 фоизга ортади. Бу эса микроиқлимни барқарорлаштириб, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини 10-30 фоизгача ортишига олиб келади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бир гектар майдондаги арчазор бир кеча-кундузда 30 килограмм фитонцид моддасини ажратар экан. Бир гектар эльдор қарағайидан иборат дарахтзор эса бир йилда 336 тонна чангни ўзида ушлаб қолади. Шунча гектар майдондаги қарағай ўрмонзори эса бир йилда 4 тоннадан 11 тоннагача кислород ишлаб чиқаради.

Ўсимлик ва манзарали дарахтлар ҳар бир жонзот ҳаёти учун муҳим эканлигини теран англаган ҳолда айрим мисолларни келтириб ўтамиз. Ўрмонлар ва яшил дарахтлардан иборат ҳудуддаги ҳавода саноат марказларига нисбатан 1000 баравар кам чанг ва қурум бўлади. Дарахт ва буталар 72 фоиз чанг ҳамда 60 фоизгача олтингугурт газини, чўл ҳудудларида бир туп ўрта ёшли саксовул дарахти эса 3-5 тоннагача қум заррачаларини тутиб қолади. Шу билан бирга, бир гектар саксовул ва черкез ўрмонзори 4 ёшида 1158 кг. ва 1547,8 кг. ис газини ютиб, атмосферага 835,4 кг. ва 1116,4 кг. кислород ажратиб чиқаради.

Мамлакатимизда ҳар йили баҳор мавсумида кўчат экиш ишлари ўтказиб келинаётир. Шу жумладан, арча, япон сафораси, каштан, қрим қарағайи ва чилонжийда каби манзарали дарахт кўчатларини етиштириш ва экишни кўпайтириш мақсадида давлатимиз томонидан бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар ҳаётга изчил татбиқ этиб келинмоқда.

Ўрмон хўжаликлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўчат экиб бериш, уларни агротехник қоидалар асосида парваришлаш юзасидан сервис хизматларини кўрсатиш борасида ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўрмон хўжаликлари томонидан ўрмонзорлар барпо этиш учун ҳар йили 130 тонна атрофида турли дарахт ва буталарнинг уруғлари ҳамда 40 миллион донадан ортиқ ниҳол ва кўчатлар етиштирилиб, ўрмон хўжаликларига қарашли ҳудудларда экилмоқда ҳамда корхона, ташкилот ва аҳоли эҳтиёжи учун етказиб берилмоқда.

Юртимизнинг гўзал ва бетакрор табиати билан фахрланиб, фуқаролик бурчимиз ва масъулиятимизни англаб, инсоний фазилатларимизни намоён қилиб, табиатга, яъни атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлсак, уни асраб-авайласак, у ҳам бизни ўз неъмати билан сийлайди. Умримизга умр улашади.

**Озод ОЧИЛОВ**
**суҳбатлашди.**

Андижон Вилояти

ИМКОНИЯТ ҚИРРАЛАРИ

# ТУЁҚНИНГ БАРАКАСИ НАСЛДА

***Олтинкўл туманидаги "Бахт имкон ривож чорваси" наслчилик фермер хўжалигида илғор технология асосида Европа селекциясига мансуб қорамоллар парвариш қилиш бўйича муайян тажриба тўпланган. Яқинда хўжаликка Европадан яна 403 бош наслли қорамол олиб келинди. Хўжалик бош зоотехниги Қобилжон Каримовнинг айтишича, улардан 3 таси бузоқлади. Бузоқларнинг вазни 35-40 килограмм эканлиги ҳайратга лойиқ.***

Фермер хўжалиги раҳбари Фахриддин Исмоилов тажрибали мутахассислар билан бирга зотли пода яратиш бўйича тажриба алмашишни канда қилмайди. Қорамоллар зотини яхшилаш баробарида "Сигирнинг сути тилида" деганларидек, ширали, тўйимли озуқа базасини яратишга ва мустаҳкамлашга интилади.

Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги чорвачилик ривожини янада оширишга оид Қароридан сўнг Фахриддин Исмоилов бу борада яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш мақсадида Австрия, Германия ва Голландияда бўлиб, энг илғор технологияларни ўрганишга, уларни ўз хўжалигида қўллашга киришди. Бунинг учун у банк ва лизинг компаниясига амалий таклифлар билан мурожаат этди.

– Бугун хўжалигимиз равнақ топаётир, – дейди Фахриддин Исмоилов. – Айни шу кунда хўжалигимизда 1200 бош Европа селекциясига мансуб қорамол парвариш қилинмоқда. Сут-товар фермамиз ҳам бор. Маҳсулдорлик борасида тенгма-тенг ўсишга эришиш учун тўла-тўкис шароит яратилди.

Собиқ ширкат хўжалигидан қолган биноларни қайта таъмирлаган, янгиларини қурган Фахриддин Исмоилов эндиликда уларни Европа технологияси асосида жиҳозламоқда. Ўтган ойда 500 бош қорамолга мўлжалланган молхона фойдаланишга топширилди. Металл конструкциялар асосида қурилган бино ҳавоси йил ўн икки ой бир маромда тоза. Ҳайвонларнинг озиқланиши, суғорилиши, ахлатларининг чиқарилиши кам меҳнат ва оз харажат билан амалга оширилади.

Сутни соғиб олиш тўла механизациялашган бўлиб, Ҳамидахон Ҳусанова раҳбарлигида атиги 6 киши бу юмушнинг уддасидан чиқишади. Сигирлардан кунига 40 килограммгача ёғлилик даражаси 4,8-5,4 фоиз сут соғиб олинмоқда. Наслли новвослар ва бузоқларнинг кунлик семириши ҳам ўта ҳайратланарли.

Фахриддин Исмоилов озуқа етиштириш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича ҳам бирдек ҳаракат қилаётир. У қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, илмий йўналиши тупроқшунос бўлган Маъмурахон Манноповадан озуқа экинлари агротехникаси бўйича кўплаб тавсиялар олди. Кучли емлар ўрнини далада етиштирилган озуқалари билан қоплаш бўйича маслаҳатларга изчил амал қилган фермернинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари бесамар кетмаяпти. Кузда бир вақтнинг ўзида рапс, перко, тритикале каби озуқа экинларига арпа, буғдой, соя қўшиб экиш тажрибаси кутилгандан зиёда натижа бермоқда. Рапс ва перко ўсимлиги уруғида мой бўлади. Мойли озуқа эса қорамоллар парваришида бебаҳо аҳамиятга эга. Май ойининг бошида аралаш озуқа экинлари ўриб олиниб, сенаж қилинмоқда. Экинлардан бўшаган майдонларга такрорий маккажўхори, кунгабоқар қўшиб экилиб, янада тўйимли силос олинмоқда. Ҳосилдорлик эса гектар ҳисобига 500 центнердан кам бўлмаяпти. Ҳар гектарга айлантирилганда 12-14 тонна озуқа бирлиги олинаётир. Шубҳасиз, бунда кузда ҳар гектар экин майдонига ҳайдов олдидан 40 тоннадан маҳаллий ўғит солинаётгани салмоқли омил бўлмоқда.



*Марҳамат туманидаги қишлоқ хўжалиги коллежининг зооветеринария бўлимини тугатган Шодмонали Қўчқоров фермер хўжалигида фаолиятини бошлади.*

Озуқа экинлари экиш, парваришлаш ва йиғиштириб олиш ҳам Европа усулида олиб борилаётир. Айниқса, "Ягуар" русумли универсал комбайн ширали озуқа тайёрлашда қўл келмоқда. Кузда ўриб олинадиган маккажўхорининг поясигина эмас, ҳатто дони ҳам шу қадар майин бўладики, ундан чиқит чиқмайди. Жорий қишлов учун 7,5 минг тонна озуқа жамғариб қўйилди. Беда ҳосилдорлиги ҳам юқори бўлиб, кунлик озуқа рационида унинг улуши алоҳида. Шу боис, 10 минг донадан зиёд тойланган беда пичани ғарамга олинди. Озуқа қизилчаси эса сигирларда сут миқдорини оширишда стумилятор вазифасини ўтайди. Шу мақсадда 10 гектар майдонда ушбу экин парвариш қилиниб, ҳозирда ковлаб олинмоқда.

Зотли пода, мустаҳкам озуқа базаси, юқори технологияда қорамоллар парваришланаётгани боис, Фахриддин Исмоилов раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари кундан-кунга ижобий томонга ўзгариб, рекорд даражага етмоқда. Жорий йилнинг ўн ойи давомида 1702 тоннаю 216 килограмм сут соғиб олинди. Шундан 94 тоннаси бузоқларга ичирилди. Қолгани тайёрлов корхонасига шартнома асосида етказиб берилди. Фермер ва тадбиркорларга 237 бош қорамол сотилди. Савдо тушуми 3 миллиард 165 минг 969 сўм бўлди. Фермер хўжалигининг экин майдони 151,2 гектарга тенг. Юқоридаги даромадни ҳар гектар экин майдонига тақсимласангиз, 20 миллион 965 минг 691 сўмни ташкил этмоқда.

Фахриддин Исмоиловнинг сут-товар фермаси бамисоли катта қурилиш майдони. Шу кунларда 250 бош бузоққа мўлжалланган бино қурилиши охирига етмоқда. Келаси йилда унинг иккинчи навбати қурилади. Хуллас, бу хўжаликда қуриш ва яратиш бир-бирига уйғун тарзда бормоқда. Хўжаликда ишлаётган 36 кишининг аксарияти соҳа сирларини пухта билишади. Фермернинг тавсияси билан олтинкўллик 6 нафар ёш Марҳамат туманидаги қишлоқ хўжалиги коллежининг зооветеринария бўлимини тугатиб, бу ерга муқим ишлашга келди. Шодмонали Қўчқоров улардан бири.

Юқоридаги сатрларни ўқиганлар Фахриддин Исмоиловда муаммонинг ўзи қолмабди, дейишлари аниқ. Йўқ, бу хўжаликда ҳам муаммо бор. Мавжуд экин майдони ҳар бир шартли қорамолга 12 сотихдан тўғри келади. Жайдари ёхуд хашаки қорамол парвариш қилаётган фермерларнинг барчасида ушбу кўрсаткич 30 сотихдан иборат эканлигини инобатга олсак, "Бахт имкон ривож чорваси" фермер хўжалигига яна 208,8 гектар экин майдони зарур.

Республикамизда наслчилик хўжаликларига бир қатор имтиёзлар берилган. Фахриддин Исмоилов ана шу имтиёзларнинг 90 фоизидан оқилона тарзда фойдаланиб, ўзида қолаётган маблағларни хўжалигини ривожлантиришга йўналтирмоқда. Экин майдони масаласи ижобий ҳал бўлган тақдирда фермер хўжалигида ишлар бундан-да юришиб кетиши аниқ.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

○ **Реклама ва эълонлар**

**SOTILADI:**

**QOG'OZ**

**OFSET 55,70. 80 gr.**
**ETIKETKALAR uchun (UPM Finlyandiya) 80 gr.**
**MELOVANNAYA 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 gr.**
**QADOQLASH UCHUN (KRAFT) 60, 70, 80 gr.**
**QOG'OZ QOPCHALAR UCHUN (KRAFT) 60,70 gr.**

**Shuningdek, QALIN QOG'OZ**

**SYELLYULOZA 210, 230, 250, 270, 300 gr.**
**DYUPLYEKS 250, 300, 350 gr.**

«ABSOLYUTE BUSINESS TRADE» XK xizmat ko'rsatadi
Mahsulotlar sertifikatlangan
Xizmatlar litsenziyalangan

**ПРОДАЁТСЯ:**

**БУМАГА**

**ОФСЕТНАЯ 55, 70, 80 гр.**
**ЭТИКЕТОЧНАЯ (UPM Финляндия) 80 гр.**
**МЕЛОВАННАЯ 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 гр.**
**УПАКОВОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70, 80 гр.**
**МЕШОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70 гр.**

**А также, КАРТОН**

**ЦЕЛЛЮЛОЗА 210, 230, 250, 270, 300 гр.**
**ДЮПЛЕКС 250, 300, 350 гр.**

Услуги оказывает:
ЧП «ABSOLYUTE BUSINESS TRADE»
Товары сертифицированы
Услуги лицензированы

**+99895 194-00-14, +99898 362-91-11**

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Лот - 50. «Бухоро шаҳридаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази 1-қаватини реконструкция қилиш ва 2-сонли мавжуд жарроҳлик блокининг ертўла конструкциясини кучайтириш ҳамда ташқи муҳандислик тармоқларини алмаштириш».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 847 309 000 сўм, ҚҚСсиз 706 090 800 сўм.

**Қурилиш ишларини тугатиш муддати** – 2014 йил 30 декабрь.

**Қурилиш ишлари** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

*2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақатгина қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган пудратчи ташкилотлар иштирок этишларига рухсат берилади.*

**Танлов савдоси ташкилотчиси** – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 5-уй. Телефон/факс: (0-365) 223-63-23.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

**Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:** қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – **Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 6-уй. Телефон/факс: (0-365) 223-97-51, 223-96-29.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 120 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 6-уй.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ УЧУН ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТИНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**«Бухоро шаҳридаги Алпомиш ва Халқлар дўстлиги кўчалари кесишувида 10000 томошабинга мўлжалланган ўйингоҳлар билан 28-БЎФМ ҳузуридаги Бухоро минтақавий футбол академияси қурилиши».**

**Буюртмачининг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 396 000 000 сўм, ҚҚСсиз 330 000 000 сўм.

**Лойиҳалаштириш муддати** – 3 ой.

**Лойиҳалаштириш ишлари** Ўзбекистон футболини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди Бухоро вилояти филиали маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Танлов савдоси ташкилотчиси** – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон футболини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди Бухоро вилояти филиали.

**Манзили:** Бухоро шаҳри И.Мўминов кўчаси 9-уй. Телефон/факс: (0-365) 223-22-81.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** ишлаб чиқариш бўлимлари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш бўйича тажриба ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

**Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл лойиҳа ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз лойиҳачиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:** қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – **Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 6-уй. Телефон/факс: (0-365) 223-97-51, 223-96-29.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 120 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 6-уй.

**МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР !**

**Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд**

- Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Экскаватор-погрузчик цепной ЭП-Ф-Ц
- Асвальторез
- Подъемник БЛ-09
- "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- Запасные части к тракторам "Беларусь"
- Шины различных моделей



**Маҳсулот сертификатланган.**

Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

**Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги "Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг Устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида"ги 327-сонли қарори ҳамда Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2014 йил 29 сентябрдаги ҳал қилув қарорлари билан тугатилаётган корхоналарнинг РЎЙХАТИ:**

| № | СТИР | КОРХОНА НОМИ | № | СТИР | КОРХОНА НОМИ |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 302101814 | GANGA TAOMLARI | 38 | 300703722 | MOIRA FART |
| 2 | 302180242 | NAFOSATXON PLYUS MCHJ | 39 | 302194913 | GEORGIA TRADE MCHJ |
| 3 | 302297934 | ASRAM SAVDO BIZNES MCHJ | 40 | 302298094 | SHAMAXSUD BARAKA SAVDO MCHJ |
| 4 | 207018829 | DOCTOR DILFUZA | 41 | 302727643 | GREEN BURGER MCHJ |
| 5 | 300941388 | JAHON TRAVEL TOUR | 42 | 301483561 | DURBEK HAMKOR SAVDO |
| 6 | 300709594 | UNIVERSAL SERVIS IKT | 43 | 302100181 | ZULFIYA IMKON |
| 7 | 302685769 | SHAVKATILLA IZZATILLA MCHJ | 44 | 301358336 | ALEX ELITE STROY MCHJ |
| 8 | 203007529 | ASH-RIVOJ OOO | 45 | 301637804 | VOFIR BIZNES МЧЖ |
| 9 | 204237749 | NODIR KITOBLAR ШК | 46 | 301700077 | MIM HAMKOR МЧЖ |
| 10 | 204308722 | ELEGANT SERVIS BIZNES XK | 47 | 301961315 | SMART BUSINESS SOLUTIONS GROUP |
| 11 | 301801513 | ZULFIYA FAN DIAN | 48 | 302063062 | IBRAGIM AGRO-CHARM MCHJ |
| 12 | 302540387 | AGRO TABIAT KIMYO X K | 49 | 207191362 | DILOROM BIZNES PLYUS MCHJ |
| 13 | 206957136 | OQ TEPA AVTOTRANS МЧЖ | 50 | 300754066 | MULTI MAT STROY |
| 14 | 302245469 | RASHODBEK GOLD MCHJ | 51 | 206993512 | SSS GOLDEN RIVER MCHJ |
| 15 | 301677081 | TOMAX ELITE SERVICE МЧЖ | 52 | 302128201 | MEGA GOLDEN PAPER MCHJ |
| 16 | 207134186 | AVLOD INVEST MT | 53 | 302467113 | SAMAVAR FOOD MCHJ |
| 17 | 301366975 | SHANS LIZING МЧЖ | 54 | 203609009 | JAR-ARIQLI МЧЖ |
| 18 | 302064590 | EXCLUSIVE CHICKEN FOOD IMPEX | 55 | 302396835 | AZIA-ELEFANT PLAST |
| 19 | 302371939 | GREEN RICH ,MCHJ | 56 | 302600819 | YORK GROUP X K |
| 20 | 302401733 | IBROHIM-ROBIYA PROFI MCHJ | 57 | 206642838 | DURBONU PLYUS МЧЖ |
| 21 | 302424214 | IMPETUS SECURITY MCHJ | 58 | 302520404 | ALFRED GROUP MCHJ |
| 22 | 302431474 | ARSEN TRADING MCHJ | 59 | 301679063 | GUTAS TECHNOLOGY МЧЖ |
| 23 | 302619491 | MISS SCARLET MCHJ | 60 | 302372271 | HASANOVA MASHKURA MCHJ |
| 24 | 302626057 | LIDER BEE BUSINESS MCHJ | 61 | 301890111 | RISOLAT BIZNES MCHJ |
| 25 | 302687235 | MUNISA DIL SAVDO MCHJ | 62 | 302156745 | CHISTIY MIR MCHJ |
| 26 | 302716166 | MILAN BUSINESS MCHJ | 63 | 302638398 | HAMID-ABDULLOH BARAKA MCHJ |
| 27 | 301038117 | HUBBA-BUBBA PLUS | 64 | 301083839 | POLAR BEAR TELEKOM МЧЖ |
| 28 | 301582613 | BEST BUSINESS REPUTATIONS MCHJ | 65 | 302609489 | EXPRESS STYLE SERVICE MCHJ |
| 29 | 207183103 | JALOLIDDIN BARAKA LYUKS SERVIS | 66 | 302690770 | BEST TASHKENT CHICKEN X K |
| 30 | 302323324 | FIRDAVS OMAD SERVIS MCHJ | 67 | 205245327 | XUMOYUN AMIR SHOX МЧЖ |
| 31 | 302617939 | ABDUMALIK-OMINA MCHJ | 68 | 302743370 | DREAM STAR FOOD X K |
| 32 | 301443888 | KOMOLON MEBEL X K | 69 | 302756480 | MEAT FOOD MANIYA O/K |
| 33 | 301165799 | LA FEDELE TRADE | 70 | 200892659 | ШОДЛИК МП |
| 34 | 301677819 | SAIDNOSIR SERVIS MCHJ | 71 | 302081745 | BEST RENT SERVICE |
| 35 | 301978388 | EURO SHO TRADING XK | 72 | 301874408 | SABINABONU KELAJAK XK |
| 36 | 302199304 | ATRIUM EX MCHJ | 73 | 201027419 | OLIMP MSS MCHJ |
| 37 | 207124095 | MADIHA BILIM NTM | 74 | 301875398 | FAYZODA NURLI BIZNES |
| | | | 75 | 200892706 | ВОДНИК |

**Думалоқ муҳр ва штамплари, гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлар бекор қилинади. Дебитор ва кредитор даъволари эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда махсус комиссия томонидан Тошкент ш. А.Қодирий кўч. 7а манзили бўйича жойлашган Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигида қабул қилинади.**

АФ "LAW DIVISION" (ИНН 207139234) сообщает о переименовании фирмы в АФ "UHY-EXPERTS". Тел.: 234-75-37.

Утерянные документы: кадастр и договор на куплю-продажи квартиры, расположенной по адресу: ул. Оханграбо д. 26 кв. 72 Яшнободского р-на г. Ташкента, выданные на имя Шералиевой Нилуфар Гафуржановны, считать недействительными.

ООО "MUSLIMA AZIZ SAVDO" ранее зарегистрированное ИРСП Мирабадского р-на (реестр № 006151-03, 18.12.2012 г.) сообщает о ликвидации предприятия. Претензии принимаются в течение 6 месяцев по тел.: (+99893) 594-15-43.

Утерянные кадастровые документы на квартиру, расположенной по адресу: г. Ташкент Чилanзарский р-н ул. Арнасай д. 4 кв. 1 выданные БТИ Чиланзарского р-на на имя Маматовой Барно Нигматуллаевны, считать недействительными.

СП ООО "OLPLAST" сообщает об уменьшении уставного фонда с 2 005 492,26 долл. США до 5 492,26 долл. США или 8 952 173,68 сум. Требования кредиторов могут быть заявлены в течение 30 дней с даты настоящего уведомления по адресу: г. Ташкент ул. Навои д. 18 "Б". Тел./факс: 241-06-33, 120-69-75.

Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. ТСРЎИда R-09-00208 реестр рақами билан рўйхатга олинган "AZIZ NAVRO'Z" МЧЖ (ИНН 201219036) устав фондини 87 897 402 сўмдан 61 784 434 сўмгача камайтиради.

Утерянный диплом № 144842 выданный 2004 г. (реестр № 1080) Ташкентским государственным юридическим институтом на имя Tashmuxamedova Davronbeka Kabuldjanovicha, считать недействительным.

ЧФ "TARIXIY FOTO-ALBOM" (ИНН 300960111) М.Улугбекского р-на г. Ташкента сообщает о переименовании и реорганизации в ООО "MA'RIFAT-SAHIFASI" и утерянную Гувохному ЧФ "TARIXIY FOTO-ALBOM" (реестр № 004147-04, 10.10.2008 г., № 004147) считать недействительным.

Утерянную гувохному ООО "MIRELEN SAVDO" (№ 003209-06, 20.10.2011 г.) выданную ИРСП Сергелийского р-на г. Ташкента, считать недействительным.

Тошкент ш. Юнусобод т. ТСРЎИда (реестр № 009326-10, 25.07.2014 й.) давлат рўйхатидан ўтган "UMID KAMOLOT" МЧЖ (СТИР 303012963) 10.11.2014 й.даги таъсисчининг 3-сонли қарорига асосан тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: +99898 310-23-28.

Тошкент ш. Учтепа т. ДСИ томонидан рўйхатга олинган "Ўрикзор ихтисослашган бозори" МЧЖ 3-блок 1-қават 55-дўкон учун ХТ "KADIROV KAXRAMAN XASILJANOVICH" номига берилган "Меркурий 115 Ф Уз" моделдаги завод рақами 692329 (14.12.2012 й., реестр № 360) бўлган назорат касса машинаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (18.06.2014 й., реестр № 006606-01) рўйхатдан ўтган "AKBAR MAX GRAND" XK (ИНН 302981013) ташкилий-ҳуқуқий шакли МЧЖга ўзгаришини маълум қилади.

Утерянные план и справку на продажу квартиры расположенной по адресу: г. Ташкент Учтепинский р-н кв-л 31 д. 45 кв. 269 выданные БТИ Учтепинского р-на на имя Исмаилова Сардара Исрофил-Оглы, считать недействительными.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИ томонидан (04.06.2012 й., реестр № 0111734) рўйхатдан ўтказилган ЯТТ "Миршарапова Мамура Заировна" (ИНН 602412687) номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"HASAN AND HUSAN FOOD" МЧЖ Устав фонди суммаси 907 589,8 минг сўмдан 445 327,2 минг сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Тошкент шаҳар ҳокимининг бинолардан фойдаланиш департаменти томонидан 16.09.2003 й.да Юнусобод т. Марказ-5 77-уй 47-хонадонга Минасянц Эдуард Сосович номига берилган 3182-сонли далолатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "OPEN IT SOLUTION" Чиланзарского р-на г. Ташкента (ИНН 207177520) преобразуется в ЧП "OPEN IT SOLUTION". Тел.: 245-51-41.

Чилонзор филиалидаги Ипотека банк томонидан ЯТТ "SHIN SVETLANA YUREVNA" номига берилган 0639025-0639050 чек дафтарчаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**Поставка и продажа тракторов МТЗ и сельхоз.техники производства Беларусь.**



**Гарантия** **Лизинг**

**Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.**
Товары сертифицированы, услуги лицензированы.
**Тел.: (99895) 170-08-50.**

**Заводские запчасти для тракторов МТЗ Производство Беларусь**



Товары сертифицированы, услуги лицензированы.
**Тел.: (99895) 199-31-66, (99893) 504-58-09**

**Продажа всех видов шин для грузовой и сельскохозяйственной техники.**



**Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.**
Товары сертифицированы, услуги лицензированы.
**Тел.: (99895) 170-32-52, (99893) 377-13-95**

# САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш борасида шаклланган ноёб тизимлардан яна бири шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказларидир. Ушбу йўналишда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг жойларда 12 филиали, 173 бўлими фаолият юритмоқда. Кейинги йилларда мазкур тиббий хизматнинг моддий-техник базаси ва автотранспорт паркини такомиллаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Жаҳон андозалари даражасидаги тиббиёт муассасаларини барпо этиш ва жиҳозлаш учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар йилдан-йилга ортиб бораётир. 2012 йилда ушбу мақсадлар учун 256 миллиард сўм маблағ йўналтирилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 300 миллиард сўмдан ортиқни ташкил этди.

Жорий йилда Инвестиция дастури доирасида 137 иншоотни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун 407 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида туман тиббиёт бирлашмаларига диагностика ва даволаш ишларида қўлланиладиган замонавий тиббий асбоб-ускуналар етказиб берилмоқда. Мазкур тадбирлар тиббий хизмат сифатини ошириш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган юксак натижалар халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофазалаша оид миллий модели қўллаб тараққий этган мамлакатларга намуна сифатида тавсия этилгани бунга ёрқин мисолдир.

Халқимиз саломатлигини асраш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган шарафли ва масъулиятли касб соҳиблари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш мақсадида тиббиёт ходимларининг касб малака ва маҳоратини ошириш, соҳада орттирилган илғор тажрибаларни оммалаштириш борасида қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. "Энг намунали қишлоқ врачлик пункти", "Энг намунали оилавий поликлиника", "Энг фаол умумий амалиёт врачи", "Энг фаол патронаж ҳамшира" каби номинациялар бўйича ўтказиб келинаётган анъанавий танлов шундай лойиҳалардандир.

Тадбирда ушбу танловнинг 2014 йилдаги голиблари эълон қилинди.

Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги "Даштмаҳалла" қишлоқ врачлик пункти "Энг намунали қишлоқ врачлик пункти" номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллади ва "Damas" автомобили билан тақдирланди.

Самарқанд шаҳридаги 1-оилавий поликлиника "Энг намунали оилавий поликлиника" деб топилди. Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги "Кегейли" қишлоқ врачлик пункти шифокори Жаркиной Акмалиева "Йилнинг энг фаол умумий амалиёт шифокори", Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги "Фарҳод-2" қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси Феруза Аллашукурова "Йилнинг энг яхши патронаж ҳамшираси" номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Шу билан бирга Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлими санитария врачи ёрдамчиси Карима Ҳайдарова "Энг яхши санитария-эпидемиология назорати маркази ходими" деб топилди. Танлов ғолиб ва совриндорларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

– Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғини, жумладан, бирламчи тиббий-профилактика муассасалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида қишлоқларда ҳам аҳолига юксак технологиялар воситасида хизмат кўрсатадиган замонавий шифо масканлари барпо этилди, – дейди Ўзбекистон туманидаги "Даштмаҳалла" қишлоқ врачлик пункти мудири Ёркин Кўзиев. – Бизнинг қишлоқ врачлик пунктимиз ана шундай замонавий тиббиёт масканларидан биридир. Бугунги кунда муассасамизда тиббий-профилактика тадбирларини юқори савияда ташкил этиш баробарида касалликларга ташхис қўйиш ва самарали даволашда энг сўнгги технологиялардан фойдаланмоқдамиз. Шифокорлар ва ҳамшираларнинг билим ва кўникмасини бойитиш мақсадида етакчи мутахассислар иштирокида доимий ўқув-услубий семинарлар, машғулотлар ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, халқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир.

Байрам тадбири таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочиларнинг концерти билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Боситхонова иштирок этди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Оламда нима гап?

## ОЛМАНИНГ ТАГИГА ОЛМА ТУШАДИ

**АҚШдаги Флорида штати университети олимлари ақл-идрокнинг наслдан-наслга ўтишини аниқлади.**



Тадқиқотда бир хил ёшдаги бири туғишган, бошқаси асраб олинган фарзандларни тарбиялаётган оилалар иштирок этди. Ушбу болалар ҳаётларининг муайян босқичларида – аввал мактабда, сўнгра 18 ёшда, ундан сўнг эса 26 ёшда луғат билан боғлиқ тестларни топширди. Тадқиқот якунлангач, олимлар бир оилада яшовчи ака-ука ва опа-сингилларнинг IQ даражаси бир-биридан умуман фарқ қилишини кўрди.

Бундан улар ақл-идрок наслдан-наслга ўтади, тарбиялаш йўли билан ривожланмайди, деган хулосага келди.

## КИБОРГ-ҲАШАРОТЛАР

**АҚШнинг Шимолий Каролина университетида жуда кичик микрофон ёрдамида товушларни тутиб, уларнинг манбасини аниқловчи киборг-ҳашаротларни такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.**



Ушбу технология вайронгарчилик оқибатида харобалар остида қолиб кетган одамларни излаб топиш учун ишлатилади.

Лойиҳа муаллифларининг таъкидлашича, бино вайроналари остидаги одамларни товушга қараб излаш анча осон ҳисобланади. Олимлар томонидан ихтиро қилинган биороботларнинг биринчи гуруҳи барча йўналишлардаги товушларни тутиб, қутқарувчиларга жўнатса, иккинчи гуруҳ товушнинг манбасини айнан аниқлаб беради.

## ТАРКИБИ ГЕМОГЛОБИН БИЛАН БИР ХИЛ ЭКАН

**Швециялик олимлар қанд лавлаги таркибидаги оқсил қон ўрнини босувчи сифатида ишлатилиши мумкинлигини аниқлади.**



Маълумки, гемоглобин қонда кислородни тутиб турувчи оқсилдан иборат. Тадқиқотчилар одамдаги гемоглобиннинг кимёвий таркиби қанд лавлаги таркиби билан жуда ўхшашлигини аниқлади.

Айни пайтда олимлар ўсимлик оқсилини одам тўқималарида ишлашга мослаштириш усулини ўйлаб топишга ҳаракат қилмоқда.

## ДОРБОЗЛАР ВИКТОРИЯ ШАРШАРАСИДА

**Австрия ва Германиялик икки дорбоз машҳур Виктория шаршараси устида хатарли саёҳат уюштиришди. Улар 100 метрлик масофани махсус арқон бўйлаб босиб ўтишди.**



Дорбозлар ушбу хавфли трюкни суғурта қилдиришган. Ҳатто томошабинларнинг ҳам қаттиқ ҳаяжонига сабаб бўлган ушбу саёҳат ҳақида дорбозлар шундай дейишади: шаршарани забт этиш осон бўлмади, айниқса, сувнинг шовқини диққатни тўплашга халақит берди.

## «ОТАЎҒИЛ» ЭКАНЛИГИНИ ИСБОТЛАЙДИ

**Лондоннинг "Арсенал" клуби "Манчестер Юнайтед"нинг собиқ футболчиси Дэвид Бекхэмнинг 15 яшар ўғли Бруклин билан бир йиллик шартнома имзолади.**



Агар Бруклин "канонирлар"га ёқса, у билан узоқ муддатли шартнома имзоланилиши кутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Дэвиднинг яна бир ўғли – 12 ёшли Ромео Бекхэм ҳам "Арсенал"нинг 13 ёшдан катта бўлмаган болалар жамоасида ўйнайди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

**ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС!**

*Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади. Президентимиз раҳнамолигида ана шу тамойил асосида мамлакатимизда болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида баркамол инсон қилиб вояга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.*

## "БОЛАЖОН" ТАЯНЧ ДАСТУРИ АСОСИДА

2014 йилнинг "Соғлом бола йили" деб номланганлиги, шу асосда Давлат дастури қабул қилиниб, кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганининг ўзиёқ мамлакатимизда ёш авлоднинг келажагини таъминлашга қаратилган эътиборнинг ёрқин кўринишидир, болаларнинг бахтиёр бўлишларига яратилган заминдир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Соғлом бола йили муносабати билан бир қатор ишлар қилинмоқда.

Вазирлик томонидан болаларни мактабга тайёрлашда ота-оналарга яқиндан кўмак берадиган китоблар нашр этилиши ҳам фикримиз далилидир.

Халқ таълими вазирлиги ахборот хизматининг маълумотига кўра, мазкур қўлланмалар фарзанди мактабгача таълим тизими муассасаларига қамраб олинмаган ота-оналарга жуда асқотади. Вазирлик томонидан илк марта чоп қилинган ушбу китоблар беш ёшдан етти ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган.

"Нутқ ўстириш, ўқиш ва саводга тайёргарлик", "Математик тасаввурларни шакллантириш", "Шеърий асарлар тўплами", "Насрий асарлар тўплами" ва "Соғ танда – соғлом ақл" деб номланган ушбу китоблар боланинг дунёқараши, мантиқий фикрлаши ва нутқи ривожланишида муҳим аҳамият касб этади, спорт билан ошно этади, шахсий гигиена қоидалари билан яқиндан таништиради.

Ҳозирча ушбу китобларнинг ҳар бири 446 минг нусхада, жами икки ярим миллион нусхада чоп этилиб, 436 минг 130 та оилага бепул тарқатилди.

**Акбар ҚАРШИЕВ**

# МАВСУМ КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТАДИ

**Президентимизнинг 2014 йил 27 июндаги «Иқтисодиёт тармоқларини 2014-2015 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чоралари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ «Жанубгазтаъминот» унитар корхонасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

– 2014-2015 йилларда куз-қиш мавсуми учун ижтимоий соҳа объектлари, иқтисодиёт тармоқларига, аҳолига табиий ва суюлтирилган газни вақтида етарли миқдорда етказиб бериш ҳамда газ тармоқларини мукаммал таъмирлаш, реконструкция қилиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаяпти, – дейди «Жанубгазтаъминот» унитар корхонаси директори Анвар Темиров. – Табиий газдан фойдаланувчи ташкилотлар, ижтимоий соҳа объектлари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, кўп қаватли уй-жойларнинг муҳандислик тармоқларининг техник ҳолати, газ хўжалигига хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши кўрикдан ўтказилди. Шунингдек, газ тақсимлаш пунктларининг зарур қисмларини сифатли таъмирлаб, техник кўрикдан ўтказиш ҳам доимий диққат марказимизда бўляпти. Бундан ташқари, белгиланган дастурга асосан газ қувурларини мукаммал таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари белгиланган муддатларда бажарилмоқда, бино ва иншоотлар куз-қиш мавсумига тайёрланмоқда, ҳудудлардаги кўп қаватли уйларда ўрнатилган газ ускуналари сифатли хатлов ва техник кўрикдан ўтказилиб, аниқланган камчиликлар бартараф қилинмоқда.

Дарвоқе, бу кенг кўламли ишлар туфайли унитар корхонага тегишли бўлим ҳамда филиалларда қиш мавсумини кўнгилдагидек қаршилаш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Биргина Қашқадарё вилоятида мавжуд 523,1 километр газ қувурлари текширувдан ўтказилди. 4597 та газ тақсимлаш қурилмаларида техник тафтиш ва жорий созлаш ишлари амалга оширилди. Газ қувурларини мукаммал таъмирлашда ҳам муайян натижаларга эришилди. Реконструкция ишларида сифатга алоҳида эътибор қаратилди. Газ қувурларини ҳаво босими ёрдамида тозалаш, бўёқлаш бўйича ишларнинг ижроси ўз вақтида таъминланди.

Корхонанинг шаҳар ва туманлар газ филиаллари томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини олиб бориш жараёнида ҳудудларга табиий газ босими етиб бормайдиган 32 минг 860 та аҳоли хонадонларига суюлтирилган газ етказиб берилмоқда.



Унитар корхонанинг Сурхондарё вилояти филиаллар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасида ҳам куз-қиш мавсумига кўрилаётган тадбирлар ижроси самарали бўлмоқда.

– Куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш мақсадида вилоятнинг табиий газ таъминоти танқис ҳудудлар руйхати тузиб чиқилди, – дейди Сурхондарё вилояти филиаллар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Иммомназар Мустафақулов. – Ишлаб чиқилган чора-тадбирларга мувофиқ, вилоят бўйича жами 5 километр газ қувурлари реконструкция қилинди. Бу ишлар асосан Бойсун ва Термиз туманларида амалга оширилди. Шунингдек, 3177 та газ тақсимлаш пунктлари техник тафтишдан ўтказилди. 195,78 километр газ қувурларининг ҳолати прибор усулида текширилди. 305,36 километр юқори ва ўрта босимли газ қувурларида ҳаво босими ёрдамида зичликка синаш ва тозалаш бўйича ишлар бажарилди.

Термиз шаҳар истеъмолчиларига табиий газ таъминотини яхшилаш мақсадида шу йилнинг май ойида, 8,9 километр узунликдаги янги газ қувурларини қуриш режалаштирилганди. Кенг кўламли ишлар натижасида ушбу иншоот қурилиши муддатидан олдин ниҳоясига етказилди. Бундан ташқари, вилоят бўйича иккита суюлтирилган газ қуйиш пунктини қуриш кўзда тутилган бўлиб, бу иш Бойсун туманида қисқа вақт ичида амалга оширилди. Қумқўрғон туманида эса қурилиш ишлари жорий йилнинг тўртинчи чорагида тугалланади. Шунингдек, аҳоли хонадонларига суюлтирилган газ етказиб бериш учун ўтган ойлар мобайнида 12 дона "ISUZU" русумли махсус автоуловлар олиб келинди ва туман газ филиаллари ихтиёрига берилди.

**Хусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР







Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИ томонидан (01.11.2012 й., реестр № 005433-01) давлат рўйхатидан ўтган "UNIVERSAL AUTO GROUP BUSINESS" МЧЖга (СТИР 302412410) тегишли думалоқ муҳр, бурчак тамғаси ва гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 002999-07, 24.09.2010 й.) Ҳамза т. Слоним 1-мавзеси, 1-А уй манзили бўйича рўйхатга олинган "ARK AVTO SERVIS" МЧЖ (СТИР 301706979) тугатилади. Жамият давлат рўйхатидан ўтган кундан шу кунгача молия-хўжалик фаолият юритмаган (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 10.11.2014 й.даги 1-сонли қарор). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 901-56-66 тел. орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИда (20.09.2013 й., реестр № 002613-01) рўйхатдан ўтган "GARANT EDUCATION" нодавлат таълим муассасасига (ИНН 301023319) тегишли бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (19.03.2014 й., реестр № 006395-01) рўйхатдан ўтган "ASIA TRANS ACTIVE" МЧЖ (ИНН 302875476) "STEADY TRANS" оилавий корхонасига ўзгаришини маълум қилади.










"Аму-Қашқадарё" ИТХБ қошидаги Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси жамоаси "Йўлдош" насос станцияси бошлиғи Ҳалим Сиддиқовга падари бузруквори **Олим СИДДИҚОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шуҳрат ТЕШАЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Баҳодир ХОЛИҚОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99890) 310-06-99; Навоий – (+99891) 332-00-88; Наманган – (+99890) 278-95-87; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99893) 994-57-08; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: С.САЙДИСЛОМОВ
Мусаҳҳиҳ: Ҳ.АБДУҒАНИЕВ
Дизайнер: Н.ТЕМИРОВ

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-1119, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 22.45 15955 нусхада босилди. Нашр индекси — 144 | Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | E-mail: info@qishloqhayoti.uz | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4 5